# Qishloq hayoti

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 26-NOYABR, SESHANBA, 142 (8223)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.





"Навоийазот" очиқ акциядорлик жамиятида олиб борилаётган техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш натижасида ишлаб чиқариш қуввати ортиб бормоқда. Маҳсулот турини кўпайтиришга қаратилган кўплаб истиқболли лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши ҳам ўзининг юксак самараларини бераётир. 2





Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ҳамда тайёрлов корхоналари ўртасидаги моддий ресурсларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартномалар мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан доимий равишда мониторинг ишлари олиб борилмоқда. 4





Илгари қовунлари билан машҳур мирзачўлликлар эндиликда Дашнобод ва Қуваникидан қолишмайдиган анорлари билан ҳам мақтанса арзийди. Айниқса, улар етиштирган "қорақайин" — "қизилпўчоқ", "оқпўчоқ" навли анорлар шўрга чидамлилиги ва серҳосиллиги билан эътибор қозонмоқда. Мирзаобод туманининг "Янгиовул" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида анорзорлар 150 гектардан ортиқ майдонни ташкил этади. 6

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА


### ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН:

## ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 25 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Ўзбекистон ва Туркманистон халқларини умумий тарих, муштарак маданият ва қадриятлар, ўхшаш тил ва урф-одатлар ўзаро боғлаб туради. Тақдир синовлари даврида бир-бирига елкадош бўлиб, саодатли дамларда қувончини баҳам кўриб келган ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотиқ қилиб келади, бир дарёдан сув ичади.

Аждодларимизнинг илмий-маънавий ва адабий мероси халқларимизнинг умумий мулки саналади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Туркманистонда Алишер Навоий, Ўзбекистонда Маҳтумқули асарлари кириб бормаган хонадон деярли йўқ.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларида янги, сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтарилди. Бугун Ўзбекистон-Туркманистон ҳамкорлиги 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида жадал ривожланмоқда. Мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг бу галги Тошкент учрашуви олий даражадаги самарадор ва фаол мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан кейин Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг якка-ма-якка суҳбатида Ўзбекистон-Туркманистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, Туркманистон раҳбарининг ушбу ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, яхши қўшничилик тамойилларига асосланган икки томонлама муносабатларга янги суръат бахш этиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Туркманистон БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида изчил ҳамкорлик қилиб келаётгани, мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммоларга ёндашувлари, қарашлари ўхшаш ва яқин экани қайд этилди. Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалаларни ҳам муҳокама этдилар.

Икки давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, Афғонистонда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидлади. 2014 йилда халқаро коалиция кучларининг Афғонистондан чиқарилиши хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, беқарорликнинг мазкур мамлакат ҳудудидан ташқарига ёйилишига йўл қўймаслик учун кенг кўламдаги халқаро ҳамкорликни, саъй-ҳаракатларни янада фаол мувофиқлаштиришни тақозо этиши қайд қилинди.

Марказий Осиёда сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Сув-энергетика соҳасига оид масалалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида, минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ташкилотлар иштирокида кўриб чиқилиши зарурлиги таъкидланди. Трансчегаравий дарёларда гидроэнергетика иншоотлари қуриш масалаларига БМТнинг трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишга оид конвенциялари талабларига риоя қилган ҳолда ёндашиш лозимлиги қайд этилди.

Президентлар икки томонлама ҳамкорлик стратегияси ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан ўзаро келишилган позиция ишлаб чиқиш мақсадида олий даражадаги учрашувларни мунтазам давом эттиришга келишиб олдилар.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокарани Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Икки мамлакат ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларга мувофиқ изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратади.

Кейинги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 баробардан зиёдроқ ўсиб, 2012 йил якунларига кўра 450 миллион АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди. Ўзбекистоннинг Туркманистонга экспорти минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, полиз маҳсулотлари, электрик ва механик ускуналар, транспорт воситалари, қора ва рангли металлардан ишланган буюмлар ва турли соҳадаги хизмат кўрсатишдан иборат. Туркманистондан юртимизга нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари, сульфат кислота каби товарлар келтирилади.

Ўзбекистон томони 2012 йилда имзоланган Ўзаро етказиб бериш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда 2013-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ икки томонлама савдо ҳажмини янада ошириш ва уни диверсификация қилиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистон корхоналари Туркманистон бозорига узоқ муддатли асосда ва кенг кўламда машинасозлик, электротехника ва кимё саноати маҳсулотлари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, замонавий енгил ва юк ташувчи автомобиллар, автобуслар, қишлоқ хўжалиги техникаси, қайта ишланган полиз маҳсулотлари етказиб беришга тайёр.

Иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркманистон ҳукуматлараро комиссияси самарали механизм вазифасини ўтамоқда. Жорий йил 11-12 ноябрь кунлари Ашхободда унинг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркманистон ўзаро савдо ва сармоя ҳажмини ошириш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг қўшни мамлакат бозоридаги ўрнини кенгайтириш учун барча имкониятларга эга. Бизнес-форумлар ташкил қилиш, миллий маҳсулот ва хизматлар кўргазмаларини ўтказиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Туркманистон иқтисодий ҳамкорлигида транспорт коммуникациялари устувор жиҳат саналади. Икки мамлакатнинг автомобиль ва темир йўллари яхши интеграциялашган тизим бўлиб, нафақат Ўзбекистон ва Туркманистон, балки учинчи давлатлар учун ҳам қулай транзит мажмуи вазифасини ўтамоқда. 2013 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон ҳудудидан Туркманистонга тегишли 304,9 минг тонна юк ташиб ўтилган бўлса, ушбу давлат ҳудудидан юртимизга қарашли 283,8 минг тонна юк олиб ўтилди. Транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ўзаро келишилган тариф сиёсати юритиш икки томон салоҳиятини тўлиқ юзага чиқарибгина қолмай, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг учинчи давлатлар учун жозибадорлигини ҳам оширади.

Ўзбекистон томонининг фикрича, Эроннинг Бандар Аббос ва Туркиянинг Мерсин бандаргоҳлари йўналиши бўйича Туркманистон коммуникацияларининг рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини ошириш учун тарифларни оптималлаштириш, қулай преференциялар жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мамлакатларимизнинг Форс кўрфази портларига чиқишини таъминлаш учун Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Ўмон-Қатар халқаро транспорт ва транзит йўлагини барпо этиш тўғрисидаги битимни изчил ва тизимли равишда амалга ошириш зарур.


(Давоми 2-саҳифада)


Фарғона Вилояти

▼ ТОМОРҚА — ХАЗИНА

## МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК

**Халқимизнинг шундай гапи бор: томорқа – хазина. Бугун бир парча ердан катта даромад олаётган, рўзғорига барака киритаётган, оиласидан ортганидан бозорни обод этаётган юртдошларимиз кун сайин кўпайиб бормоқда.**



Фарғонада ҳам томорқадан унумли фойдаланиб, катта даромад олаётган миришкорлар кўп. Иссиқхоналар қуриб, лимон, помидор, бодринг, резавор ўсимликлар етиштириб, бозорни обод, эл дастурхонини тўкин қилаётган деҳқонларнинг меҳнатига тасанно айтасиз.

Риштон туманидаги Зоҳидон қишлоғининг одамлари танти, меҳнатсевар, ишбилармон, меҳмондўст ва самимий кишилар. Бу қишлоқда томорқадан катта даромад олаётган уддабурон кишилар сафи тобора ортиб бораётгани барчанинг ҳавасини келтиради.

"Зоҳидон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Капа қишлоғида истиқомат қилувчи Анваржон Мамаев бундан икки йил бурун туман томорқачилари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда биринчи ўринни олган эди. Шундан кейин кўпчилик унинг хонадони томорқасида етиштирилаётган экинларга, улардан олинаётган даромадга қизиқиб қолди. Анваржон Мамаев эса бунинг омилини меҳнатда, иштиёқда, деб билади.

Унинг томорқасининг умумий майдони 24 сотих. Бу ердаги узумзор, шафтолизор, лимонзор шундай ажиб манзара касб этганки, кўрган кишининг ҳаваси келади.

Бир пайтлар бу ерда эски боғ бўларди. Анваржон Мамаев ўйлаб-ўйлаб тадбир топди. Мева бермаётган қари дарахтларни кесиб, ўрнига иссиқхоналар барпо қилди, уларга лимон кўчатлари ўтқазди.

Анваржон Мамаев ўз томорқасидаги токларни кўтариш учун бетон тиргакларни ўзи ўғиллари билан бирга уйда тайёрлади. Бетон қориб иссиқхона атрофига асос ётқизишди. Арматуралардан ёйсимон каркас ясаб устини плёнкалар билан ўради. Хандақ қазиб, дарахтдан тушган хазонларни, хас-хашакларни ўшанга ташлашни одат қилди. Хандақ бир қаричга кўпайса, унинг тепасига яна бир қарич гўнг ташлади. Бу хандақ тўлгунча ўтган бир йилда чириган компост тайёр бўлади. У дарахт тагига солинса, мўл ҳосилга пойдевор бўлишини амалда синаб кўрди.

Лимонзорлар қишда ҳам мўътадил иқлим бўлишини таъминлаш учун ўтин ёқиб иситиладиган мосламалар қурди. Лимонзорнинг бирига эртароқ экилган лимон иккинчи йилиёқ новдаларини эгиб мўл ҳосил тугди. Лимонзор бу йил учинчи марта мўл ҳосил берди. Иккинчи лимонзордан бу йил илк ҳосил йиғиштирилади. Унинг даромади бу йил унчалик бўлмаслиги мумкину, аммо кейинги йиллардан бошлаб ундан ҳам яхши даромад олина бошлайди.

Дарвоқе, шафтолизордан ҳам мўмай даромад келмоқда. Биргина узумзордан бу йил беш миллион сўм соф фойда олинди.

Сирасини айтганда, бугун Зоҳидонда ишнинг кўзини билиб меҳнат қилаётган, томорқадан катта даромад олаётган кишилар кўпчиликни ташкил этади. Улар билан суҳбатлашсангиз, кўнглида эртанги кунга ишонч туйғуси мустаҳкамлигини, янги-янги режалар, янги-янги мақсадлар билан тараққиёт сари дадил одимлаётганини кўрасиз. Энг муҳими, даромади ошган тадбиркорларнинг маҳалла-кўйга нафи тегмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати, саховати, интилишлари билан маҳалла, юрт, жамият обод бўлмоқда.

Шунга айтса керакда, "Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик" деб.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

## ИССИҚХОНА ТАФТИ ВА МИРИШКОР МЕҲРИ

### АҲОЛИНИ ҚИШДА ҲАМ САРХИЛ НЕЪМАТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида аграр соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг юксак самаралари халқимиз фаровонлигининг тобора ошаётганида яққол намоён бўлмоқда. Чунончи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастурхонимиз тўкинлиги, турмушимиз ободлигига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.**

Бу борада сўз юритганда, аграр соҳадаги хорижий инвестицияларнинг фаол иштирокини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мамлакатимизда сўнгги йилларда хорижий инвестициялар иштирокидаги қатор истиқболли лойиҳалар самарали амалга оширилмоқда. Жанубий Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг Ўзбекистондаги идораси гранти асосида бир неча намунавий иссиқхона барпо этилгани бунга ёрқин мисолдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 ноябрдаги "Корея Республикаси Ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда "Ўзбекистонда намунавий иссиқхоналарни барпо этиш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Зангиота туманидаги участкасида умумий майдони 1500 квадрат метрдан иборат кўчат етиштирувчи иссиқхона, Тошкент давлат аграр университетининг Қибрай туманидаги илмий-тадқиқот ва ўқув-тажриба станцияси ҳамда Юқори Чирчиқ туманидаги "Суранкент" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ҳар бирининг майдони 5000 квадрат метр бўлган маҳсулот етиштирувчи иссиқхоналар барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Жанубий Кореянинг "Myung Sung Placon Ltd." қурилиш компанияси томонидан қурилган ушбу иссиқхоналарда фойдаланиладиган барча зарур ускуналар замонавий техника ва технологиялар асосида ишлайди.

Куни кеча Тошкент давлат аграр университетининг Қибрай туманидаги ўқув-тажриба станцияси ҳудудида фойдаланишга топширилган замонавий иссиқхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари, Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

Қайд этиш жоизки, жорий йилнинг август ойида фойдаланишга топширилган мазкур замонавий иссиқхонада айни кунларда помидор кўчатлари ҳосилга кирган. Уларни декабрь ойидан йиғиштириб олиш бошланади. Бу эса, ўз навбатида, бозорларимизни сархил ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга, шунингдек, Тошкент давлат аграр университети ўқитувчилари ва талабалари томонидан инновация технологиялари асосида юқори сифатли ҳосил етиштириш усуллари пухта эгалланишига катта имконият яратади.

— Ҳозирги давр ҳар бир жабҳада инновация технологияларини жадаллик билан жорий қилишни тақозо этяпти, — дейди Тошкент давлат аграр университети мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси ассистенти Зафарали Абдиев. — Жанубий Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг молиявий кўмагида барпо этилиб, фойдаланишга топширилган мазкур замонавий иссиқхона гидрофоник асосда ишлаши билан эътиборга лойиқ. Бу ерда маҳсулотни парваришлаш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган. Бу эса қўл меҳнатини анча осонлаштиради. Шунингдек, иссиқхонада кўчатларни озиқлантириш томчилатиб суғориш усулида амалга оширилади. Минтақамиз иқлими нисбатан қурғоқчил экани инобатга олинса, ушбу усул ғоятда самаралидир.

Иссиқхонада талабаларнинг амалиёт ўташлари, тадқиқотчиларнинг илмий изланишлар олиб боришлари учун ҳам қулай шароитлар яратилган. Келгусида бу ерда фермерлар учун малака ошириш ўқув курсларини ташкил этиш ҳам мўлжалланмоқда.

**Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёл" уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ва "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банки ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси" танловининг мамлакат босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

## ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

Тадбирда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Г.Маҳмудова, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банки раисининг ўринбосари А.Раҳмонов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани соҳа ривожи ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлашди.


(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН:
# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Мамлакатларимиз халқаро миқёсдаги йирик лойиҳаларни амалга ошириш борасида катта тажрибага эга. 2009 йилнинг декабрь ойида ишга тушган Туркманистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой газ қувури бунинг ёрқин тасдиғидир.

Музокарада қўшма корхоналар, миллий фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг сонини кўпайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Масалан, Ашхобод шаҳрида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича Туркманистон-Ўзбекистон қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Хўжалик субъектлари ўртасидаги тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги амалий қадам бўлган мазкур корхона икки мамлакат бу борада талай имкониятларга эга эканини намоён этади.

Тошкентда Туркманистон, Ашхободда Ўзбекистон миллий кўргазмаларини ташкил қилиш яхши анъанага айланган. Шу билан бирга, савдо-сотиқни ривожлантиришда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида тўлақонли эркин савдо тартибининг йўлга қўйилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Туркманистон томони “Навоий”, “Жиззах”, “Ангрен” иқтисодий зоналари билан таништирилди.

Музокарада агросаноат мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни тўлиқ амалга ошириш зарурлиги қайд этилди. Бу битим қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб бериш, пахтачилик ва ғаллачилик, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоялаш, селекция, кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутади.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бу борада 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистонда ва Туркманистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестиваль ва кўрик-лар, кўргазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда. 2009 йилги “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида туркманистонлик хонанда Лале Бегназарова Гран-при соҳиби бўлган эди, 2011 йилдаги фестивалда эса “Галкиниш” ижодий гуруҳи учинчи ўринни эгаллади.

Олий даражадаги учрашувлар доирасида бир неча марта Ўзбекистон ва Туркманистон санъаткорларининг қўшма концертлари ўтказилди. Ўзбекистон-Туркманистон халқларининг дўстлик фестивали деб аталган бу анжуманлар икки мамлакат маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

2013 йилнинг август ойида Ўзбекистон вакиллари Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган иқтидорли болаларнинг “Аваза – дўстлик ўлкаси” халқаро фестивалида иштирок этди.

Келишувга биноан бундан буён ҳам икки мамлакатда ўтказиладиган фестиваль, концерт, кўрик-танлов ва кўргазмалар, шунингдек, спорт мусобақалари ҳақида мунтазам равишда маълумот алмашиб борилади ҳамда маданият ва санъат намояндаларининг, спортчиларнинг фаол иштироки таъминланади.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик юксалмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва экспериментал биология институти вакиллари туркманистонлик ҳамкасблари билан Туркманистон шароитига мос келадиган уруғлик чигит ва дон навларини яратиш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Илм-фан вакиллари нефть кимёси соҳасида ҳам қўшма изланишлар олиб бормоқда.

Музокарада сайёҳлик соҳасида мамлакатларимиз улкан имкониятларга эга экани таъкидланди. “Буюк ипак йўли” сайёҳлик лойиҳаси доирасида комбинациялашган саёҳатлар ташкил қилиш орқали бу соҳадаги алоқаларни фаоллаштиришга келишиб олинди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркманистон, Туркманистонга борган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Шу тариқа миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин яратилади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Маданий-гуманитар соҳада 2014-2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Жиноий йўл билан орттирилган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Шунингдек, икки мамлакатнинг кимё саноати ва туризм компаниялари, ахборот агентликлари, товар-хомашё биржалари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Ўзаро муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида манфаатлар ва қарашларнинг муштараклиги, шунингдек, муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан позиция ва ёндашувлар ўхшаш ва яқинлиги яна бир карра ўз тасдиғини топгани қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Президентлар давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилган “Маърифат маркази”ни бориб кўрди. Ушбу мажмуадан ўрин олган Симпозиумлар саройининг кўрку салобати, меъморий ечими, йирик илмий анжуманлар ва халқаро симпозиумлар ўтказиш учун яратилган замонавий шарт-шароитлар, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг бой ахборот-кутубхона фонди, бу ерга келган ёш йигит-қизларнинг юксак интеллектуал салоҳияти олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

**Ўзбекистонда 25 ноябрдан 10 декабргача хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга жамоатчилик эътиборини жалб этиш мақсадида «Уйдаги тинчликдан жаҳондаги тинчлик сари» шиори остида акция ўтказилмоқда. Ушбу тадбир ҳар йили БМТ шафелигида бутун дунёда ўтказиладиган глобал акциянинг бир қисмидир.**

# ГЛОБАЛ АКЦИЯ

Мамлакатимизда мазкур акция Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Хотин-қизлар қўмитаси, Халқаро кураш ассоциацияси томонидан БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA), БМТ Тараққиёт дастури, қатор халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизда хотин-қизлар мавқеини янада ошириш, уларнинг интеллектуал, маънавий ва жисмоний ривожланиши, билим ва касб эгаллаши, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида барча шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 1991 йил декабрда ташкил қилинган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мамлакатимиздаги дастлабки жамоат бирлашмаларидан биридир. Президентимизнинг 1995 йил 2 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ҳудудий хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эса жойлардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари этиб тайинланиши белгиланган.

2004 йилда сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар жамиятимизда хотин-қизлар мавқеини янада юксалтиришда навбатдаги янги қадам бўлди. Ушбу ўзгартишларга кўра, сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилди.

Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий, ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга доир амалга оширилаётган ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Шаҳар ва туманлар, энг олис қишлоқларда замонавий тарзда жиҳозланган соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, маънавият-маърифат масканлари фойдаланишга топширилаётир. Фуқаролар йиғинлари раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари жамиятимизда бағрикенглик, меҳр-мурувват ва инсонпарварлик муҳитини қарор топтиришда фаол иштирок этмоқда.

Хотин-қизларнинг, айниқса, қишлоқ жойларда бандлигини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш, уларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб қилиш, касаначиликни ривожлантиришга оид кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат дастурлари доирасида мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида касаначиликни йўлга қўйиш, хотин-қизлар иштирокида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга имтиёзли микрокредитлар ажратиш, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

Аёллар ва қизлар мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этаётир. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур инсонлар – корхоналар, ташкилотлар ва ННТ раҳбарлари, фермерлар, шифокорлар, фан, маданият, санъат, таълим соҳалари намояндалари кўп.

Шуниси эътиборлики, барча соҳаларда, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари, давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини таъминлашда гендер тенгликни таъминлаш бўйича Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ижрочи директори Дилшод Отабоевнинг таъкидлашича, мамлакатимизнинг ушбу глобал акция ва «Уйдаги тинчликдан жаҳондаги тинчлик сари» тадбирини ўтказишда фаол иштирок этиши Ўзбекистоннинг хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тарафдори эканининг яна бир тасдиғидир.

Тадбир давомида мамлакатимиз бўйлаб Халқаро хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш учун кураш куни, Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни, Халқаро ногиронлар куни, Халқаро инсон ҳуқуқлари кунига бағишланган турли тадбирлар, учрашувлар, семинарлар, мусобақа ва танловлар ўтказилади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Буни “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган долзарб вазифаларда ҳам кўриш мумкин.

Давлат дастури доирасида аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини ошириш, уларга уй-рўзғор юмушларини енгиллаштиришда қулай ижтимоий-маиший шароит яратиш бўйича кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бундай изчил ишлар натижасида 2013 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда ташкил этилган 833,4 мингта янги иш ўрнининг салмоқли қисмида хотин-қизлар фаолият юритмоқда.



Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат.

Танловда Тошкент шаҳрида яшовчи Раъно Ортиқованинг тўй ва бошқа маросимларни миллий қадрият ва анъаналаримизга мос тарзда, ихчам ва ортиқча дабдабасиз ўтказишга оид лойиҳаси “Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа” деб топилди. Андижон вилояти вакиласи Одинахон Саидованинг геология фани бўйича яратган, Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи Нурпошша Матниёзованинг гулчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалари “Қишлоқ жойларига мўлжалланган энг яхши лойиҳа” сифатида эътироф этилди. Тошкентлик Муслима Ўринбоеванинг миллий қўғирчоқлар яратишга доир лойиҳаси эса “Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа” йўналиши бўйича ғолиб бўлди.

– Иссиқхонамизда гул кўчатлари етиштириб, иқлимга мос турларини кўпайтириш, шу билан бирга, улардан турли хилдаги гулдасталар тайёрлаб, маҳалламизнинг ободлиги йўлида озми-кўпми ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз, – дейди Тўрткўл туманидаги “Тўрткўл гуллари” хусусий корхонаси раҳбари Нурпошша Матниёзова. – Бундай ютуқ ва муваффақиятларга эришишимизнинг асосий омили тадбиркорларга давлатимиз томонидан яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлардир. Бу бизга янада илҳом, куч-ғайрат бағишлайди.

Танловда ғолиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Озод ОЧИЛОВ**

*Ўзбек Миллий академик драма театрида “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.*

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қ.Қуронбоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан бир қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида бу йил еттинчи бор ташкил этилган “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад ҳам маънавий-маърифий тарғибот соҳаси мутахассислари фаолиятини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, бу борадаги илғорлар иш тажрибасини оммалаштиришдан иборатдир.

Танлов жараёнида тарғиботчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини иш жараёнига унумли татбиқ эта олиши, кўпчилик, айниқса, ёшлар аудиторияси билан ишлаш маҳорати, уларга ижобий таъсир ўтказа олиш қобилияти, “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан ҳимоялай олишга доир иш услубига асосий эътибор қаратилди.

Кўрик-танлов ғолиблари фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Навоий Вилояти

▼ ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

# «ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»

## ЁРЛИҒИ ОСТИДАГИ «НАВОИЙАЗОТ» МАҲСУЛОТЛАРИ ДУНЁ БОЗОРИДА ҲАМ МУСТАҲКАМ ЎРИН ЭГАЛЛАМОҚДА

**Мамлакатимиз кимё саноатида салмоқли ўрин эгаллайдиган ва ишлаб чиқариш салоҳияти йил сайин ортиб бораётган “Навоийазот” очиқ акциядорлик жамиятида тайёрланаётган юқори сифатли маҳсулотлар бугун кўплаб хориж давлатларида ҳам эътироф этилмоқда. Айни пайтда корхонада аммиакли селитра, сульфат кислотаси, хлор, нитрон толаси каби 100 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган бу турдаги маҳсулотлардан қишлоқ хўжалиги, қимматбаҳо рангли металлар қазиб олиш, енгил саноат, мебелсозлик, электротехника, фармацевтика, авиация сингари қатор соҳаларда кенг фойдаланилмоқда.**



Корхонада олиб борилаётган техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш натижасида ишлаб чиқариш қуввати ортиб бормоқда. Маҳсулот турини кўпайтиришга қаратилган кўплаб истиқболли лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши ҳам ўзининг юксак самараларини бераётир. Жумладан, корхонада Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ 11 та инвестицион лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Ушбу лойиҳалар ижроси доирасида ишлар изчил давом эттирилмоқда.

– Шу пайтга қадар каустик сода хориждан олиб келинарди, – дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ўринбосари Назарқул Пирманов. – Эндиликда у ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бу орқали йилига 20 миллион АҚШ долларига яқин валютани тежаб қолиш имкони юзага келди. Қолаверса, ушбу янги цехнинг ишга туширилиши натижасида 290 нафардан ортиқ кишининг доимий бандлиги таъминланди, маҳсулот тайёрлаш ҳажми янада ошди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги экинларидан сифатли ва юқори ҳосил олишда азотли ва фосфорли ўғитлар муҳим аҳамиятга эга. “Навоийазот” ОАЖда тайёрланаётган бу турдаги минерал ўғитлар бугун нафақат мамлакатимиз деҳқонлари эҳтиёжини таъминлаяпти, балки ўнлаб хориж давлатларига экспорт қилинаётир. Айниқса, мустақиллик йилларида корхонанинг экспорт салоҳияти ортиб, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остидаги “Навоийазот” маҳсулотлари дунё бозорида мустаҳкам ўрин эгаллади. Эътиборли жиҳати, инновацион ечимлар, илмий изланишлар, таҳлилий ўрганишлар натижасида эндиликда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳаётбахш воситаси – минерал ўғитлар саноат миқёсида яхлит ҳолда тайёрланмоқда. Ишни бундай янгича усулда ташкил этиш, ўз навбатида, тежамкорликка йўл очмоқда.

Иқтисодиёт барқарорлиги, аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг турмуш фаровонлигини оширишда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида ҳам кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада бугунга келиб у ерда акрил эмульсияси, тиомочевина, ацетон, калий нитрати, цианли натрий, “А” маркали метонол, фармакоп тузи, каустик сода каби импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Биргина 2012 йилнинг ўзида маҳаллийлаштириш дастури доирасида 95,1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Асосий хомашёнинг Қизилкум фосфорит заводидан олинаётгани ҳамда цехларнинг чиқитсиз технология асосида ишлаётгани юқори самарадорликни таъминламоқда. Айниқса, илғор технологиялар ёрдамида граммлардан ҳосил бўладиган тонналарнинг чиқитга чиқиб кетишига йўл қўйилмаётгани корхонага ҳар томонлама фойда келтирмоқда.

Янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда дунё бозори талаблари ҳам ҳисобга олинаётир. Шунга кўра, ўтган йили корхонада Жанубий Кореянинг “Неоплан” компанияси билан ҳамкорликда йилига 12 минг тонна техник кремний ва 60 минг тонна микрокремнизион ишлаб чиқариш қувватига эга янги линия ишга туширилди. Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг барчаси экспортга йўналтирилиб, унинг йиллик ҳажми 36 миллион АҚШ долларни ташкил этмоқда.

Корхона ташаббуси билан “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида болалар ва аёллар гигиеник воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Navoiy Beauty Cosmetics” қўшма корхонасининг ташкил этилиши кўплаб янги иш ўринлари яратилишига сабаб бўлди. Қолаверса, бу орқали корхона салоҳияти янада юксалди.

Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитини янада яхшилаш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам корхона мутасаддиларининг доимий эътиборида. Ёрдамчи хўжалик сифатида чорвачилик мажмуаси ҳамда иссиқхона ташкил этилиши корхона ишчи-хизматчиларини гўшт, сут ва турли сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қиляпти. 2008 йилда мажмуага Украинадан 205 бош наслли қорамол келтирилган эди. Бугунги кунга келиб уларнинг сони 4 бараварга ошди. Иссиқхона майдонининг кенгайтирилиши ҳисобига ўтган йили 50 тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари етиштирилди. Эндиликда Нурота туманида 40 минг парранда боқишга мўлжалланган паррандачилик мажмуаси ҳамда 100 гектарлик боғ ташкил этилди.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида “Навоийазот” очиқ акциядорлик жамияти ҳар жиҳатдан ривожланди, янги-янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилди. Айни пайтда корхонада 12 мингдан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қиляпти. Бу эса корхонада техник ва технологик янгиланишларнинг изчил амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқариш қувватлари йил сайин оширилиб, маҳсулот рақобатбардошлиги ва хилма-хиллигининг таъминланаётганини, экспорт имкониятларининг тобора кенгайиб бораётганини кўрсатади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

**Қорақалпоғистон Республикасида Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан биргаликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Лойиҳалар доирасида боғдорчилик, асаларичилик, балиқчилик, шунингдек, сайёҳлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.**

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ

— Ҳамкорлар билан қисқа вақт давомида кўплаб ишлар амалга оширилди, — дейди лойиҳа координатори Б.Ҳабибуллаев. — Жумладан, интенсив боғ ташкил этиш мақсадида академик М.Мирзаев номли Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон бўлими негизида Кегайли туманидан 5 гектар ер майдони ажратилди. Ушбу интенсив боғ учун ажратилган экин майдонига Европанинг қатор мамлакатларидан олиб келинган олма ва олхўрининг 15 га яқин навларидан 3 минг донадан зиёд кўчатлар экилди. Бу навларнинг кўчатларини шу ернинг ўзида кўпайтириш учун 1 гектар майдонда кўчатхона ташкил этилди. Янги усулни кенг жорий этиш мақсадида Кегайли, Нукус, Чимбой ва Хўжайли туманлари боғбонлари билан хорижий мутахассислар иштирокида ўқув семинарлари ташкил этилмоқда.

Эътиборлиси, хориждан олиб келинган кўчатлар шу йилнинг ўзида мева берди. Шунингдек, экин далаларини лазерли текислаш технологиялари бўйича тренинг машғулотлари ташкил этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Кегайли агросаноат касб-ҳунар коллежига мева қуритадиган иккита ускуна олиб келиб ўрнатилди. Мазкур ускуналар муқобил энергия манбалари, яъни қуёш нуридан қувват олиб ишлайди. Бундан ташқари, Тўрткўл ва Кегайли туманларида энергия тежовчи иккита иссиқхона қурилиши олиб борилмоқда.

Лойиҳанинг яна бир эътиборли жиҳати, экин майдонларини томчилатиб суғоришда ва ер ости сизот сувларини коллекторларга қочиришда янги технологиялардан фойдаланилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан тежаб фойдаланишда бу технологиялар Оролбўйи шароитида муҳим аҳамият касб этади.

"Кегайли агросервис" масъулияти чекланган жамияти қошида ғўзапоядан брикет тайёрлаш цехи қурилмоқда. Лойиҳа доирасида балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда. "Кегайли балиқ" масъулияти чекланган жамиятига кўл бўйида майда ҳашаротларни йиғиш мақсадида қуёш энергияси билан ишлайдиган ёруғлантирувчи ускуна берилди. Қорақалпоғистон Республикаси балиқчилик уюшмаси билан келишилган ҳолда келгуси йилнинг февраль ойида балиқчиликка ихтисослаштирилган иккита фермер хўжалигида инкубация цехлари ташкил этилади.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

ЭЪЛОН

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

# БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ-ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

## 2014 йил манзилли қурилиш дастурига киритилган қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

**Лот 1-1. «Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 17-сонли мактабни реконструкция қилиш, 270 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки ва 9х18м ўлчамли спортзал қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 1 005 000 000 сўм, ҚҚСсиз 837 500 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 1-2. «Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 14-сонли мактабни реконструкция қилиш ва 270 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 702 000 000 сўм, ҚҚСсиз 585 000 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот – 2. «Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги «Чўлқувар» ҚФЙ ҳудудида 150 ўқувчи ўринли 18-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 2 730 000 000 сўм, ҚҚСсиз 2 275 000 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 сентябрь.

**Лот 3-1. «Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги «Жиғачи» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 160 ўқувчи ўринли 33-сонли мактабни реконструкция қилиш ва 160 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 416 000 000 сўм, ҚҚСсиз 346 666 600 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 3-2. «Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги «Дарғали» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 180 ўқувчи ўринли 39-сонли мактабни реконструкция қилиш ва 180 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 468 000 000 сўм, ҚҚСсиз 390 000 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 3-3. «Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 480 ўқувчи ўринли 18-сонли мактабни реконструкция қилиш, 360 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки ва 12х24м ўлчамли спортзал қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 1 451 500 000 сўм, ҚҚСсиз 1 209 583 300 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 4-1. «Бухоро вилояти Бухоро туманидаги «Боғидашт» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 180 ўқувчи ўринли 44-сонли мактабни реконструкция қилиш ва 180 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 468 000 000 сўм, ҚҚСсиз 390 000 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 4-2. «Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги «Фиришкент» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 360 ўқувчи ўринли 31-сонли мактабни реконструкция қилиш, 360 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки ва 12х24м ўлчамли спортзал қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 1 320 000 000 сўм, ҚҚСсиз 1 100 000 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 4-3. «Бухоро вилояти Пешку туманидаги «Чибоғони» ҚФЙ ҳудудида жойлашган 160 ўқувчи ўринли 45-сонли мактабни реконструкция қилиш ва 160 ўқувчи ўринли янги ўқув блоки қурилиши».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 416 000 000 сўм, ҚҚСсиз 346 666 600 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 5-1. «Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги педагогика ва енгил саноат касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 800 000 000 сўм, ҚҚСсиз 666 666 600 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 5-2. «Бухоро вилояти Когон шаҳридаги саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 900 000 000 сўм, ҚҚСсиз 750 000 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 5-3. «Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 720 000 000 сўм, ҚҚСсиз 600 000 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 6-1. «Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги олимпия захиралари касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш» (I-этап).**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 450 000 000 сўм, ҚҚСсиз 375 000 000 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 6-2. «Бухоро вилояти Бухоро туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 640 000 000 сўм, ҚҚСсиз 533 333 300 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Лот 6-3. «Бухоро вилояти Жондор туманидаги саноат, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш».**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** ҚҚС билан 950 000 000 сўм, ҚҚСсиз 791 666 600 сўм. **Қурилиш ишларини тугатиш муддати** 2014 йил 1 август.

**Қурилиш ишлари** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

*Турар ва нотурар уй-жой биноларини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100% ни ташкил қилади.*

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

**Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:** қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 120 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 6-уй.

ЭЪЛОН

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2013 йил 31 декабрь куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Термиз шаҳар халқ таълими бошқармаси балансидаги 1996 й. и/ч "ГБА СНГ ГАЗ-31020040" русумли, д/р 75 078 ЕАА, бошланғич баҳоси 1 676 758 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Мазкур автотранспорт воситаси 2013 йил 31 декабрь кунида сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2013 йил 2014 йил 7 ва 14 январь ҳамда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ "Трастбанк" Термиз шаҳар филиалидаги 20208000204932168018, МФО 01063, ИНН 302083379, ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй "Тадбиркорлар маркази". Мурожаат учун тел: (+99 893) 792 78 18.

***Гувоҳнома № 004059***

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

# «АСАКА» БАНК (ОАЖ)

ASAKA BANK

***Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:***

## «КОНСТИТУЦИЯ-2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



***Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.***

| ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН | ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳри филиали | (371) 120-83-13 | Наманган вилояти филиали | (369) 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | (371) 120-39-95 | Навоий вилояти филиали | (436) 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | (371) 140-39-36 | Зарафшон филиали | (436) 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | (371) 221-80-67 | Бухоро вилояти филиали | (365) 223-71-94 |
| Сирғали филиали | (371) 258-67-49 | Бухоро шаҳри филиали | (365) 770-11-27 |
| Тошкент вилояти филиали | (371) 120-84-13 | Самарқанд вилояти филиали | (366) 231-08-86 |
| Андижон вилояти филиали | (374) 224-40-96 | Афросиёб филиали | (366) 221-77-56 |
| Асака филиали | (374) 233-13-69 | Қашқадарё вилояти филиали | (375) 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | (374) 226-97-53 | Сурхондарё вилояти филиали | (376) 770-82-12 |
| Фарғона вилояти филиали | (373) 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | (361) 770-60-59 |
| Марғилон филиали | (373) 237-12-37 | Хоразм вилояти филиали | (362) 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | (373) 432-10-11 | Сирдарё вилояти филиали | (367) 225-44-03 |
| Қўқон филиали | (373) 552-61-04 | Жиззах вилояти филиали | (372) 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**«АСАКА» БАНК – САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.**

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

*Ташкилотлар, компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!*

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ ЖИҲОЗЛАР ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Тендер савдолари очиқ турда бўлиб, мебеллар ва жиҳозлар етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий фирмалар ва ташкилотлар ҳамда юртимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилар) қатнашишлари мумкин.

**Харид қилинадиган жиҳозларнинг энг юқори (максимал) нархлари:**

| Т/р | Жиҳозлар номи | Ўл. бирлиги | Энг юқори (максимал) нархи (сўм) | Харид қилинадиган жиҳозлар миқдори |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Идора учун стол | дона | 550 000 | 20 |
| 2 | Раҳбар учун чармли курси | дона | 610 000 | 13 |
| 3 | Стул | дона | 260 000 | 25 |
| 4 | Китоб жавони | дона | 350 000 | 13 |
| 5 | Кийим жавони | дона | 380 000 | 11 |
| 6 | Китоб жавони кийим илгичи билан | дона | 700 000 | 16 |
| 7 | Темир шкаф | дона | 750 000 | 1 |
| 8 | Кондиционер 09 "AUX" | дона | 1 650 000 | 7 |
| 9 | Кондиционер 12 "AUX" | дона | 1 900 000 | 12 |
| 10 | Кондиционер 12 "AUX" | дона | 2 300 000 | 8 |
| 11 | Кондиционер 24 "AUX" деворга ўрнатиладиган | дона | 3 400 000 | 3 |
| 12 | Кондиционер 25 "AUX" устунли | дона | 5 250 000 | 2 |
| 13 | Стул | дона | 170 000 | 140 |
| 14 | Минбар | дона | 400 000 | 1 |
| 15 | Президиум учун стол | дона | 1 100 000 | 1 |
| 16 | 3 ўринлик стул | дона | 350 000 | 2 |
| 17 | Телевизор 32 х 81 см. | дона | 1 600 000 | 1 |
| 18 | Офис тўплами | дона | 5 000 000 | 1 |
| 19 | Офис жавони (стенка) | дона | 3 000 000 | 1 |
| 20 | Курси | дона | 2 200 000 | 1 |
| 21 | Юмшоқ мебель (диван, курси) | дона | 2 700 000 | 1 |
| 22 | Журнал столи | дона | 600 000 | 1 |
| 23 | 2 камерали музлаткич | дона | 1 600 000 | 1 |
| 24 | Курси | дона | 1 800 000 | 1 |
| 25 | Офис жавони (стенка) | дона | 2 300 000 | 1 |
| 26 | Стол | дона | 2 600 000 | 1 |
| 27 | Парда жалюзи | м2 | 65 000 | 230 |
| 28 | 13 секцияли иситкич | дона | 350 000 | 4 |
| 29 | Компьютер | дона | 1 600 000 | 22 |

***Харид қилинадиган жиҳозларнинг энг юқори жами нархи: 220 510 000 сўм.***

**1.** Тендер комиссиясининг ишчи органи:

Ўзбекистон Республикаси "Даврархитектқурилиш" қўмитасининг Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази. Почта ва манзил: 130100, Жиззах ш. Ш.Рашидов кўч. 63-уй. Тел/факс: (8-372) 226-14-66; 226-70-47.

**2.** Тўлов шартлари: бўнак 50%, жиҳозлар харидорнинг омборига етказиб берилгач - 40%, назорат текширувидан сўнг – 10%.

**3.** Етказиб бериладиган жиҳозлар номи, миқдори, етказиб бериш шартлари ва муддатлари ҳақида маълумотлар тендер ҳужжатлари ва тендерга қатнашиш учун таклифномада кўрсатилган.

**4.** Жиҳозларни етказиб бериш муддати бўнак тўловидан сўнг – 30 календарь куни.

**5.** Тендер бошланишидан олдин тендер комиссияси томонидан талабгорларни малакавий саралаш жараёни ўтказилади.

**6.** Тендер ҳужжатларини харид қилиш қиймати тендерга қатнашиш учун таклифномада кўрсатилган.

**7.** Закалат пули (тендер таклифи кафолати) миқдори тендер ҳужжатлари ва тендерга қатнашиш учун таклифномада кўрсатилган.

**8.** Закалат пулини тўлаш тартиби, тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тўловни амалга ошириш бўйича банк реквизитлари тендер ҳужжатлари ва тендерга қатнашиш учун таклифномада келтирилган.

**9.** Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 26 декабрь соат 16:00 гача.

**10.** Тендер савдоларини ўтказиш бўйича қўшимча маълумотларга эга бўлиш учун Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Сирдарё вилояти

▼ ТАЖРИБАДА ҲИКМАТ КЎП

# МИРЗАОБОД АНОРЛАРИ

## ЭНДИ ХОРИЖГА ҲАМ ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

**Илгари қовунлари билан машҳур мирзачўлликлар эндиликда Дашнобод ва Қуваникидан қолишмайдиган анорлари билан ҳам мақтанса арзийди. Айниқса, улар етиштирган "қорақайин" — "қизилпўчоқ", "оқпўчоқ" навли анорлар шўрга чидамлилиги ва серҳосиллиги билан эътибор қозонмоқда. Мирзаобод туманининг "Янгиовул" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида анорзорлар 150 гектардан ортиқ майдонни ташкил этади.**

— Томорқамиздаги анорзор даромад манбаига айланган, — дейди "Янгиовул" қишлоқ фуқаролар йиғини Дўнгариқ маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Аҳмад Эшонқулов. — Ҳар йили 8-10 тонна сара ҳосил оляпмиз. Серсув, хуштаъм аноримизга харидорлар кўп. Икки йилдан бери ҳосилнинг асосий қисмини экспорт қиляпмиз. Бу йил ҳам ҳосил яхши бўлди. 400 туп анорзордан 10 тонна сархил ҳосил олдик. Шу тариқа томорқамиздаги анорзордан 24 миллион сўм даромад қилдик.

Дўнгариқ маҳалласида 300-400 туплаб анори бор миришкор томорқачилар кўпчиликни ташкил қилади. Абдурасул Назаров, Абдурашид Мусаев, Ҳаким Жўраевлар томорқасидаги анорзордан 15-20 миллион сўмлаб даромад олиб, Сирдарё анорларини мамлакатимиз аҳолиси дастурхонига тортиқ этмоқда. Халқ табобатида анор пўстлоғи ва гулларининг сариқ, иситма, гижжа, ичак касалликларига даволиги исботланган. Унинг гули қовурилиб ярага суртилса, жароҳатни битказади. Анор суви эса иштаҳани очиш баробарида қонни тозалайди, танага қувват бахш этади.

Боёвут, Гулистон туманларида ҳам анорзорларни кўпайтириш, томорқа хўжалиги имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида хайрли ва ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар боис, Боёвут туманининг "Деҳқонобод", Ш.Рашидов, У.Юсупов номли, Гулистон туманидаги Ҳ.Олимжон, А.Темур номли сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудларидаги хонадонларда серҳосил, ажойиб анорзорлар барпо этилди. Мирзаобод тумани "Мирзачўл" сув истеъмолчилари уюшмасида яшовчи тадбиркор фермер Сафар Расулов бир гектар майдонда анорзор яратиш билан бирга анор навларини яхшилаш, шўрхок ҳудудларга мослаштириш борасида изланишлар олиб бораётир. Яна бир қувонарли томони, эндиликда Мирзаобод тумани Меҳнатобод қишлоғида анорни қайта ишлаб, ундан шифобахш неъмат — шарбат тайёрлаш корхонасини қуриш чоралари кўрилаётир. Бу лойиҳа амалга ошса, анорчилик вилоятда янада ривож топади, анор шарбати Сирдарёдан хорижга экспорт қилина бошлайди. Бир қатор тадбиркорлар ҳатто анор пўстлоғидан бўёқ олиш, донидан дори-дармон тайёрлаш тажрибаларини ҳам амалда синаб кўришмоқда.

— Мен Қува, Шеробод ва Дашнободга бориб соҳибкорлар яратган анор навлари билан танишиб келдим, — дейди тажрибали миришкор Аҳмад Эшонқулов. — Хуштаъмлиги, серсувлиги, ҳосилининг донадорлиги бўйича "қизилпўчоқ" нави ҳам улардан қолишмайди.

Сирасини айтганда, Сирдарё вилоятида анорчиликни ривожлантириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Фурқат ТОШМАТОВ олган сурат.*



ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

# Донаси танга даво

*Куз неъматлари ичида анор ўзининг шифобахшлиги, дармондорилиги ва хушхўрлиги билан ажралиб туради. Буни қарангки, анор ичидаги доналари қанчалик кўп бўлса, унинг шифобахш хусусиятлари ҳам шунча кўп бўлар экан.*



Қадимдан анор турли хасталикларга эм бўлиши билан кишилар эътиборида бўлиб келган. Жумладан, қадимги Рим ва Юнонистонда нордон анордан безгак, меъда яллиғланишида фойдаланишган бўлса, шарқ табобатида анорнинг илдизларидан тайёрланган шарбат ёки майдаланган анор барги тананинг турли аъзолари лат ейиши, суяк синишида оғриқ қолдирувчи ҳисобланган. Анор пўстлоғининг қайнатмасидан ич кетганда фойдаланилган, анор гулларидан тайёрланадиган буғлама эса яраларга малҳам дейилган.

Ибн Сино анорнинг қатор шифобахш хусусиятларини санайди. Унинг таъкидлашича, асалга қўшилган анор уруғлари битиши қийин яраларга малҳам бўлади. Анор тиш ва қулоқ оғриғини босади. Унинг шарбати ичак касалликларига эм бўлиб, турли яллиғланишларга даво бўлади.

Дарҳақиқат, анор унчалик тўйимли мева бўлмаса-да, унда инсон организми учун керакли витаминлар кўп. Шу боис ҳам замонавий тиббиётда анор меваси, пўстлоқлари, гуллари ва уруғидан хасталикларни даволашда зарур бўладиган воситалар олинади.

Анорнинг бу хислатлари унинг таркибидаги минераллар ва витаминлар билан боғлиқ. Анорнинг илдизлари, танаси ва пўстлоғида алкалоидлар мавжуд. Бута танасининг пўстлоғи ва баргларида бетулинат кислотаси бор. Меваларининг пўстида эса 28 фоизга қадар ошловчи моддалар бўлади. Шунингдек, анор мевасида 20 фоизгача қанд, 4-10 фоиз глюкоза ва органик кислоталар, фойдали унсурлар — кальций, калий, фосфор, марганец, магний, шунингдек, одам организмида қон ҳосил қилувчи темир моддаси бор. Мевасининг 9 фоизини лимон кислотаси ташкил этади. Буни қарангки, айни шу жиҳати билан у лимондан ҳам устун турар экан.

Анор мевасидан тайёрланган шарбату дамламалар дармондориларга бойлиги билан ажралиб туради. Анорли дамламаларга асал қўшиб истеъмол қилинса, у кўнгил беҳузур бўлиши, тинка қуришининг олдини олади. Агар анорнинг сувига шакар, райҳон гули қўшиб қиём тайёрланса, иштаҳани очиб, кўнгилни равшанлаштирар экан. Анор мевасининг қуриган пўсти қайнатилиб, дамлама тайёрланса, яллиғланган ичакларга самарали даво бўлар экан.

**Маннон НАБИЕВ тайёрлади.**

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

**Бугун ҳаётимизда газ беминнат дастёрга айланган. Уйимизга ўрнатилган газ ускунаси мурватини бурайимизу гугурт чақамиз, уйимиз иссиқ, таомимиз тайёр бўлади.**




Аммо унинг қанчалик қийинчилигу машаққатлар билан етиб келишини, бу жабҳада кўплаб кишиларнинг меҳнати борлигини, энг муҳими, унинг ноёб, қайта тикланмайдиган захира эканлигини баъзан ўйлаб кўрмаймиз. Ана шу беминнат дастёрга бироз бефарқ бўлиш эса кўплаб кўнгилсизликларни келтириб чиқаришини унутамиз.

Бундай нохуш ҳолатлар бўлмаслиги учун қуйидаги қоидаларга риоя этиш лозим.

Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш, газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўрисини йилда камида бир марта тозалаш лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи сабаблардандир. Учқун текканда ёниб кетадиган лок, бўёқ, мебель ва синтетик кийимларни печкалар ёнида сақлаш мумкин эмас. Ҳозир кўп қўлланиладиган кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар ёнишдан ташқари кўплаб зарарли моддалар ҳам ажратиб чиқаришини унутмаслик даркор.

Умуман олганда, ҳар биримиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мунтазам риоя қилсак, турмушимиз обод, кўнглимиз хотиржам бўлади.

**З.АКБАРОВ,**
**12-ҲЁХО смена**
**бошлиғи, капитан.**

○ Реклама ва эълонлар

АГРОТЕХНИКА
~ Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
~ Боғ ва ферма учун тракторлар
~ Гусеницали тракторлар
~ Прессподборщик
~ Ғўзапоя ўрадиган комбайн
~ Ўт ўрадиган комбайн
~ Макка ўрадиган комбайн
~ Жўхори йиғувчи комбайн
~ Косилка КИР 1,5
~ Сомон йиғувчи мосламалар
~ Картошка терадиган комбайн
~ Картошка экадиган комбайн
~ Буғдой экадиган сеялка
~ Пахта экадиган сеялка
~ Дори сепадиган мосламалар
~ Сачратиб суғорувчи мосламалар
~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
~ Культиваторлар
~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг (+99871) 150-58-58
~ Чизель, борона 150-68-68
~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
~ Траншеекопатель, ямобур
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
SN INVEST Маҳсулот сертификатланган
Буюртма асосида



АГРОМАШ
Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.
ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»
ТАКЛИФ ЭТАДИ:
ВТ-150, ВТ-100 ВА ДТ-175 РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.
Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru
Сайт: www.chetra-tashkent.ru



Тошкент ш. Хўжалик судининг 04.11.2013 й.даги ҳал қилув қарорига асосан Бектемир т.да рўйхатга олинган қуйидаги корхоналар тугатилади.
1. "KONSTANTA-ORIENT" МЧЖ 04.11.2013 10-1306/18224
2. "SIFATLI MOHIR QO'LLAR" МЧЖ 04.11.2013 10-1306/18225
3. "RAMAZONOV DAMIR" ХК 04.11.2013 10-1306/18226
Юқорида қайд этилган корхоналарнинг думалоқ муҳри ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Кредиторларнинг даъволари эълон босилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш. Бектемир т. Ҳ.Байқаро кўч. 2-уй. Тел.: 295-02-80.

ДП "LITSELMASH" (ИНН 300607041) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского р-на г Ташкента расположенного по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский р-н ул Ж.Обидовой, 60 ликвидируется (приказ № 49 от 09.04.2009 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления.

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан Тошкент ш. Учтепа т. Кичик ҳалқа автомобиль йўли, АЁҚШ ёнида жойлашган "CARCHER AND VASHER" МЧЖ номига автомобиллар ювиш шохобчаси учун 08.10.2009 й.да берилган O'Y № 254365 серияли ер кадастр гувоҳномаси ва ТА № 0837728 серияли бино кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Яккасарой т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "TECHNOPROMEX" МЧЖ номига берилган бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!
Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд
● Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер ● Запасные части к тракторам "Беларусь"
● Бульдозер погрузчик БЛ-750 ● Шины различных моделей
● Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
● Асфальтоrез ● Подъемник БЛ-09
● "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
маҳсулот сертификатланган
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz



Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.
Гарантия Лизинг
Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.
Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 177-08-50, (99895) 170-08-50.



Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производства Беларусь
Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
тел.: 99895 170-32-52



Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.
Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.
Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 199-10-33, (99893) 377-13-95.





# СПОРТ

▼ ШАХМАТ

## ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА БИРИНЧИ

**Туркиянинг Эскишеҳир шаҳрида шахмат бўйича 14 ва 16 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.**



14 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасидаги баҳсларда 62 нафар шахматчи куч синашди. Мамлакатимизнинг кўп карра чемпиони – Ортиқ Неъматов турнирда мағлубиятсиз иштирок этган ҳолда олти имкониятдан беш очко жамғариб, олтин медалга сазовор бўлди. У мусобақада туркиялик Жанберк Кочак, Содиқ Нозикқўл, туркманистонлик Фархан Казимов, озарбайжонлик Исмоил Шоҳалиевни мағлубиятга учратиб, ўз жамоадоши Фотиҳ Абдухолиқов ҳамда қирғизистонлик Айдар Кенанбоев билан дуранг ўйнади.

16 ёшгача бўлган ўсмирлар мусобақасида 61 нафар шахматчи дона сурди. Мусобақада "Умид ниҳоллари – 2012" спорт ўйинлари ғолиби Алишер Бекмуродов бронза медаль соҳиби бўлди.

Алишер турнирда македониялик Мўмин Алиев, озарбайжонлик Фотима Аҳмадова, Элхон Байрамов, ўзбекистонлик Нодирабегим Парпиева ва туркманистонлик Шонепес Мередов устидан зафар қучиб, беш очко билан учинчи ўринни эгаллади.

▼ ДЗЮДО

## БИТТА КУМУШ, ТЎРТТА БРОНЗА

**Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича Гран-при туркумидаги халқаро турнир якунига етди. Унда терма жамоамиз аъзолари битта кумуш ва тўртта бронза медалини қўлга киритишди.**

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) томонидан ўтказилган бу нуфузли мусобақада дунёнинг ўттиз беш мамлакатидан уч юз нафарга яқин спортчи ғолиблик учун куч синашди.

60 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда Ўзбекистон чемпиони Шарофиддин Лутфуллаев кумуш медалга эга бўлди. Шунингдек, 73 килограмм вазн тоифасида Мирали Шарипов, 81 килограмм вазн тоифасида Яҳё Имомов, 100 килограмм ҳамда ундан оғирроқ спортчилар баҳсида Сойиб Қурбонов ва Болтабой Болтаев бронза медалларини қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

▼ ТЕННИС

## БОШ СОВРИН ҲАМЮРТЛАРИМИЗДА

**Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан хотин-қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик теннисчилар яккалик ва жуфтлик баҳсларида бош совринни қўлга киритдилар.**



Қозоғистонда дунёнинг ўнга яқин мамлакатидан келган теннисчилар иштирокида ўтган мусобақанинг яккалик баҳсларида биринчи рақамда сараланган ҳамюртимиз Сабина Шарипова ўз жамоадоши Альбина Хабибулинани 6:4, 6:4, россиялик теннисчилар – Екатерина Третьякни 6:0, 6:0, Софья Салимовани 6:3, 6:0, Иванка Карамалакни 7:5, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Финалда Сабина россиялик Алёна Тарасова устидан 7:5, 6:0 ҳисобида зафар қучиб, турнир ғолиби бўлди.

Бу 19 ёшли теннисчимизнинг жорий мавсумдаги учинчи совринидир. Сабина Шарипова май ва июнь ойларида Қарши шаҳрида ўтказилган икки турнирда ҳам бош совринга сазовор бўлган эди.

Қозоғистондаги халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида эса Альбина Хабибулина ва словакиялик Чантал Скамлова дуэти ғалаба қозонди. Биринчи рақамда сараланган ушбу жуфтлик финалда қозоғистонлик Асия Дайир ва россиялик Иванка Карамалакни 6:2, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шу тариқа Альбина 2013 йилги мусобақаларнинг жуфтлик учрашувларида олтинчи совринини қўлга киритди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: Ш.ЙЎЛДОШЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-1114, ҳажми 3 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 00.35 15396 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5